

София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳонинг шахсий сифатлари



11:05 / 03.12.2019 14948

София бинти Ҳуяй онамизда барча камолот сифатлари бор эди. У киши пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳаралари ўлароқ, у зотдан кўп нарсаларни ўрганган, ўрнат олган эдилар. Биз у кишининг уламоларимиз томонидан ривоят қилинган баъзи бир алоҳида таъкидлаш лозим бўлган сифатлари ҳақида қисқагина сўз юритамиз.

София бинти Ҳуяй онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳалимликлари ҳақида Ибн Абдул Барр раҳматуллоҳи алайҳи қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Софиянинг бир жорияси унинг шанбани яхши кўриши, яҳудийларга яхшилик қилиши ҳақида гап тарқатди. Умар одам юбориб, бу ҳақда сўради. София бинти Ҳуяй онамиз:

«Аммо шанбага келсак, Аллоҳ менга унинг ўрнига Жумъани берганидан буён уни яхши кўрганим йўқ. Яҳудийларга келсак, уларнинг ичида қариндошларим бор. Мен ўшаларга силаи раҳм қиламан», деди.

Сўнгра жорияга:

«Қилган ишингга сени нима мажбур қилди?» деди.

«Шайтон», деди жория.

София бинти Хуяй онамиз оҳисталик билан:

«Бор, кетавер. Сен озодсан», деди».

Бундан ортиқ ҳалимлик бўлиши мумкинми?

София бинти Хуяй онамиз ҳар қандай оғир пайтда ҳам бировга яхшилик қилишни тарк қилмас эдилар. Бунга у кишининг ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу фитначиларнинг қамалида сувсиз ва нонсиз қолганларидаги тасарруфотлари далил бўлади.

Ибн Саъд ва бошқалар София бинти Хуяй онамиз розияллоҳу анҳонинг озод қилган қуллари Кинонадан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Мен Софияни Усмонни ҳимоя қилиши учун етаклаб борганлардан эдим. Аштар уни тўсиб, ҳачирининг юзига урган эди, бурилиб кетди. У менга:

«Мени ортимга қайтар. Яна манави шарманда қилмасин», деди. Сўнгра у ўз манзили билан Усмоннинг манзили орасига ёғоч ўрнатиб, ўшанинг устидан сув ва таом ташиб турди».

Кўзларига қон тўлиб, халифани қатл қилишни ўзларига раво кўриб турган ва эркаклар ҳам қаршиларига бора олмай турган фитначиларнинг олдида боришнинг ўзи катта жасорат. Ўшандоқ ҳолда фитначилардан қўрқмай, девор ошиб, қамалда қолган халифага сув-нон ташиб туриш улуғ ишдир.

София бинти Хуяй онамиз ибодатни сидқидилдан адо этар эдилар ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилар эдилар.

Абу Нуъайм Абдуллоҳ ибн Убайдадан ривоят қиладилар:

«Бир тўп одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари София бинти Хуяй онамизнинг ҳужрасида жамланишди. Улар Аллоҳни зикр қилдилар, Қуръон тиловат қилдилар ва сажда қилдилар. Шунда София бинти Хуяй онамиз уларга нидо қилиб:

«Бу сажда ва Қуръон тиловати, аммо йиғи қани?» деди».

София бинти Хуяй онамиз қўлларига тушган нарсани хайр-эҳсон қилишга шошиладиган кишилардан эдилар. У кишининг бир ҳовлилари бўлиб, уни тириклик чоғларидаёқ савоб умидида садақа қилиб юборганлар.

София бинти Ҳуяй онамиз илмга ҳарис зот эдилар. У киши Қуръони Каримни кўп ўқиб, ўрганар эдилар. София бинти Ҳуяй онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 10та ҳадис ривоят қилганлар.

Баъзи кишилар София бинти Ҳуяй онамизнинг афзалликлари рўйхатини ҳам тузишган:

1. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва Исломни ўз қавмлари ва динларига қайтишдан устун кўрганлар.
2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сонларига оёқларини қўймай, юксак одоб намунасини кўрсатганлар.
3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга озор етишидан қўрқиб, яҳудийларга яқин жойда тўйлари бўлишидан бош тортганлар. Бу билан у зотга ўз ихлосларини намоён қилганлар.
4. Фитначиларга қарши туриб, Усмон розияллоҳу анҳуга ёрдам берганлар.
5. Сахийлик қилиб, Фотима розияллоҳу анҳога ва бошқа аёлларга тиллаларини бўлиб берганлар.
6. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуга ўзлари ҳақларида чақимчилик қилган жорияни озод қилганлар.
7. Маҳрлари Исломга киришлари бўлган.

София бинти Ҳуяй онамиз розияллоҳу анҳо ҳижрий эллагинчи санада Мадинаи Мунавварада вафот этдилар. У киши Бақийъ қабристонида, мўминларнинг бошқа оналари ёнига дафн қилиндилар.

София бинти Ҳуяй онамиз розияллоҳу анҳонинг вафотлари ҳақидаги хабар Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуга етганда Бомдод намозидан кейинги вақт бўлишига қарамай, у киши саждага йиқилдилар. У кишига:

«Шу вақтда ҳам сажда қиласанми?» дейилди.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Қачон бир оятни кўрсангиз, сажда қилинглар», деган эмасмилар? Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаларининг ўлиmidан ортиқ оят борми?!» дедилар».

Аллоҳ таоло София бинти Ҳуяй онамиз розияллоҳу анҳодан рози бўлсин!

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан